

(Давоми 2-бетда).

Қонун ва ижро



ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК – ҲАМКОРЛИК

Вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни ва истиқболли ҳамкорлик мавзюида давра суҳбати ўтказилди.

Унда вилоят, шаҳар, туман ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят филиали, вилоят адлия бошқармаси, вилоят Марказий банки, ўрта-махсус касб-хунар таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, "Маҳалла", "Қамолот" ЕИХ, шунингдек, бошқа жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Мақсад: "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, кенг тарғиб этиш. Давра суҳбатиде сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева, жумладан шундай деди: "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2015

йил январидан қучга кирди. Аслида, ижтимоий шериклик бизнинг ҳаётиимизга, иш фаолиятиимизга сингиб кетган. Яъни, ҳар бир ишимизни бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширамиз. Бу борада 5 боб, 30 моддадан иборат мазкур Қонуннинг қабул қилиниши эса фаолиятиимиз давомида фуқаролик жамияти институти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигини ижтимоий-иқтисодий асосда ташкил этиб, ривожлантириш дастурларини изчил амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тур-

ли аҳоли қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўзaro яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади... Дарҳақиқат, вилоят хотин-қизлар кўмитаси йирик жамоат ташкилоти сифатида ўз фаолиятини мунтазам ижтимоий шериклик муносабатлари асосида олиб бораётгани ва бунинг самарасида ҳар йили Давлат дастурлари, хусусан жорий йилдаги "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси тўлақонли амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сайёра ЭШМАТОВА. Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Вилоят ҳаёти

КЕКСАЛАР АРДОҒИМИЗДА

Оҳангарон туманидаги "Хонобод" истироҳат боғида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида "Кексалар, ардоғимиздасиз" мавзюида спорт-мусобақалари ўтказилди. Унда турли соҳаларда ишлаётган меҳнат фахрийлари ва кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, қариллик гаштини сураётган кишилардан 48 нафари иштирок этишди. Мусобақа иштирокчилари спортнинг шахмат-шашка, стол теннис, волейбол тўпини тўғра туриши турлари бўйича ўз маҳоратларини синаб кўришди.

Мусобақада "Намуна" маҳалласи раиси Б. Йўлдошев, "Янгиобод" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси У. Мўминова, "Гули-лола" хусусий корхонаси ходими Г. Маматқулов, 12-умумтаълим мактаби директори Б. Ўтбосаров, 31-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ходими М. Файзиева, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий мослашув маркази раҳбари А. Холмусов, 52-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Н. Уролова фаол иштирок этиб, ғолиб чиқишди.

Тадбирда туманининг ижтимоий-иқтисодий таъриқийтаги муносиб улуш қўшган кекса авлод вакилларида А. Давронов, Х. Солиқов, Қ. Хайиткулов, У. Эргашев ҳам қатнашди. Ғолиб ва иштирокчиларга қасба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

МУНОСИБ СОВҒА

Президентимиз ташаббуслари билан болалар спортга берилаётган эътибор сабаб ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежларида иштирокчи спортчилар тайёрланмоқда. Бу сабаб-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, вилоятимиз шаҳар, туманларидаги спорт мактабларида тахсил олаётган ёш спортчиларнинг талабалари бизни беҳад шод этмоқда. Универсал жанг тури бўйича Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада Оққўрғонлик мураббий Асқар Мингбоевнинг шогирдлари Шохриёр Саматов ва Жамолдин Холматовлар фахри биринчи ўрин соҳиби бўлишди. Абдухамид МУСОКОВ.

Тадбиркорлик

ИМТИЁЗДАН ФОЙДАЛАНИБ

Ўрта Чирчиқ тумани Истиқлол қишлоғи "Ўртабўз" маҳалласидаги Ўлжбек ва Ойбек Ҳақимовлар оила аъзолари сердаромад иш билан таъминлаб, хонадонларида кут-барақа киритаётган тадбиркорлардан. Оилавий тадбиркорлар новдадан тўқибган сават ва стол-стуллар кўпчиликка манзур бўлаётти.

Асосан қора тол новдаларидан тўқилган турли кўринишдаги гул саватлари ҳамда стол-стулларнинг бозори чаққон. Оилавий тадбиркор Ҳақимовлар

"Хунарманд" уюшмаси туман бўлими аъзоси сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, яратиб берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб тайёрлаган махсулотлари нафақат туман ва вилоят, балки мамлакатнинг кўплаб вилоятларида ҳам савдога чиқаришмоқда.

Хуршид ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: ёш тадбиркор Ойбек Ҳақимов.

Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат.



Огоҳлик – давр талаби

Тез кунларда энг улуг, энг азиз байрамимиз – Истиқлолимизнинг 24 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ҳаётимизга туб ўзгаришлар, улкан ислохотлар, буюк юксалишлар бахш этган мустақиллигимиз шарофатини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз. Энг муҳими, тинчлик деган бебаҳо бойлигимиз бор – ҳаёт обод, умр бардавом, кўнгил шодон. Лекин уни асраб-авайлаш, Ватаним ёт кўзлардан эҳтиётлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини англаб етаяппимизми?

– Яқинда қариндошимизнинг тўйи сабаб, қўшни Қозғистонга бориш, чегарадан ўтишга тўғри келди, – дейди бир онахон. – Бормаганимга кўп бўлди чоғи, аввалги гиштакўприкдан бошланган ажабтовур ўзгаришлар мени лол қолдирди. Доим: "Чегарадан ўтиш қийин, одам тирбанд" дея нолийдиганларнинг сўзларини ўйлаб, ҳайрон қолдим...

Ахир, янги қурилган муҳташам бино, озода, соя-салқин ўтиш йўллари сокин, одамлар бамайил-хотир санокли дақиқаларда хоҳлаган томонга ўтишяпти. Лекин бундай имкониятлардан фойдаланмай, қинғир кўча, ноқонуний йўллардан ўтишга ҳаракат қилаётган кимсаларнинг нияти нима экан? Ахир кўнгли тоза, ниёти пок инсон тўғри йўлдан ўтавермайди? Кечагина, Зангиота тумани Туркистон қишлоғида Миллий ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, ҳарбий прокуратура, Ички ишлар вазирлиги

вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари иштирокида "Бетакоримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзюида давра суҳбати ўтказилди. Ўз ўрнида айтиш керак, айниқса, чегара ҳудудиде яшовчи аҳоли, хонадон эгалари, маҳалла фаоллари иштирокидаги бундай учрашувлар, унда айтилган фикр-мулоҳазалар кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди.

Давра суҳбатини Туркистон қишлоқ фуқаролари йигини раиси Авазхон Обидов олиб борди. – Бугунги учрашувимизни дилдан суҳбат десак ҳам бўлар, – деди Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг матбуот хизмати катта ёрдамчиси, адлия подполковниги Саид Обид. –

Даврада кўпни кўрган нуруний отахон-онахонларни кўриб, эл-юртимиз, халқимиз эртасига беварқ бўлмаган, бағрикенг, самимий инсонлар ҳали орамидада кўп эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Шубҳасиз, юртимизда рўй бераёт-

ган бемисл бунёдкорлик ишларини, қўламли ислохотлар туфайли эришган ютуқларимизни сиз азиз кексалар кўпроқ ҳис этасиз, қадрайсиз. Алалхусус, бундан ёшларга тушултириб, шукроналикка чорлашнгиз табиий. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган 36 турдаги автомобиллар, минглаб янги замонавий уй-жойлар, дунёнинг истаган мамлакатига ўқиш, ишлаш учун бориш имконияти халқимиз ҳаётининг тобора яхшиланиб бораётганидан дарак эмасми? Фақат ҳар бир иш қонун йўли билан, тартиб-қоидага риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Ахир бундай қўлайликларнинг қадрига етмаслик, қонунга нописанд қараш инсофсизлик, жиноят ҳисобланади. Лекин чегараларимизда шундай нохуш ҳолатлар учраётгани, албатта ачинарли. Жиноят

Ким эдигу ким бўлдик?

ИПГА ТИЗИЛГАН САБР

Отамни жуда соғинардим. Кўчага чиқиб, юк машинаси кетган томонга термулар, машинанинг қайтишини, унда отам бўлишини интизорлик билан кутардим. Шом тушганда онам алдаб-судлаб уйга олиб кирардилар. Охири ички қолганимни кўрган онам баҳорда ҳали да-наги қотмаган ўрикларни тердилар-да, қақди-лар. Кейин уни 365 тадан қилиб, иккита ипга тиздиларда, кир ёйиладиган симга илиб, устига доқа ташладилар. Мағизлар қуригач олиб: "Ҳар кунни шу мағиздан биттадан ейсизлар, у қачон тугаса шу кунни отангиз қайтадилар", дедилар. Хурсанд бўлиб ҳар кунни мағизни ердик, қамаяётганини кўриб, қувонардик. Охири мағизлар ҳам тугар, лекин отам қайтмасди. Онамга савол назари билан қарардик. "Қаердадир хатога йўл қўйгансизлар, – дердилар онам. – Ё бирор кун мағизни емагансизлар ёки бирор кун иккитадан егансизлар". Онам шундай дея яна ипга мағиз тиза бошлардилар. Шу тариқа 10 йил ўтди, отам қайтмадилар, биз ҳам ҳар кун мағиз еб, сабр билан уларни кутишдан чарчамадик. Кейин билсан, онам бизларга шу тарихи сабрни ўргатган эканлар. Бу сабр менга бутун умр йўлдош бўлди.

Урушнинг оти ўчсин. Далада ишлардик. Ҳар кунни кимгадир "қора хат" келар. Йиги-чиги, кимдир хушидан кетган. Маҳалламизда бир келин бўларди, тўйдан ун кун ўтгач, турмуш ўртоғи урушга кетди. Ундан "қора хат" келди. Келин Бир кун отамдан хат келди. Онам панана ўтиб

жинни бўлиб қолди. Ҳар кунни кийимларини тугунга тугиб, далага борар, ўша ердаги дарахт-га уларни илар ва бошига рўмолини ташлаб, ҳаммага салом қиларди. Кейин: "Қаранглар, па-

уни ўқиб, биздан яшириниб, йиғладилар. Шу хатни 7 ёшимда онам яшириб қўйган жойдан топиб олдим. Ўқини билмасдим. Бир қўшини мизга ўқитдим. "Вафодорим, – деб ёзилган-



лончи акам келаяптиларми?" деб йўлга қарарди. Бир дугонам бўларди. Иккимиз лойдан ҳар хил нонлар ясаб, офтобда қуритардик. Кейин "меҳмон-меҳмон" ўйнардик. Шу лой нонлар бизнинг бир бурда нонга зор бўлган кунларимизда озгина бўлса ҳам умид эди. Дугонанинг оиласи катта эди. У касал бўлиб қолганида ўзимга ҳар кунни тегадиган бир бурда ноннинг ярмини бекитиқча унга олиб бориб берардим. Бир кунни уйига кирсам, оғир аҳволда ётибди. Олиб чиққан нонимни чайнаб озига солдим, ютолмади. Шунда ёнида турган укаси ўша нонни олиб еди. Дугонам оламдан ўтганди. Ёстиғи остидан эса яхши ниятлар билан ясаб, қуритган лой нонлар чиқди.

Бир кун отамдан хат келди. Онам панана ўтиб

ди унда, – Омон қайтиб борсам, дийдор насиб этар. Сигиримизни йўқотма, рўзгорини шу эплайди. Қизимни албатта ўқит, меннинг касбимни олсин... Отам бедарак кетдилар. Орадан йиллар ўтди. Онам кутишни қўймадилар. Ҳар йили икки марта баҳор ва кузда сандиқни очиб, отамнинг кийимларини олиб, офтобга ёярдилар, уйларни, ҳовлиларни тозалардилар. Пода қайтар чоғида кийимларини йиғиштириб олиб, уйдаги қозикча илардилар ва чопонга салом бериб, қучоқлашиб қўришардилар, нималарнидир гапирардилар. Бу йил келмадилар, энди кейинги йил келадилар, деб кийимларни йиғиштириб, яна сандиққа жойлардилар. Охири, онам, минг ойни кўрганларида тақдирга тан бериб, аза очдилар. Биз укам иккимиз ота-

Тадбир

ВАТАН – ЯГОНА ВА МУҚАДДАС

Ўрта Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежиде мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига бағишлаб "Бетакоримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, "Маънавият ва тарғибот маркази" туман бўлими ҳамда йўлчиқалъа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кекса отахон-онахонлар, маҳалла фаоллари, уй бекалари ҳамда

қиллик байрамига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарориде мустақилликдек бебаҳо неъматнинг қад-қиммати-ни теран идрок этиш, истиқлол даврида босиб ўтган машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, қўлга киритилган улкан ютуқларимизнинг тўр моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш, бек кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимиз-

ни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуг, энг азиз айём бўлиши мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш йўли-йўриқлари белгилаб берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз кундан-кунга гуллаб-яшнаётганини мамнуният билан қайд этиб, шу билан бирга, огоҳлик ва серғаклиқни йўқотмаслик зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

сизнинг қўлингизда. Ахир уйингизга бегоналарни киритиб, яширинча ўтказиб юборсангиз бошқалар эмас, ўзингиз ҳам чоғга қўлайсиз.

– Ҳақиқатдан ҳам чегара-божхона назорат ўтказиш масканларида аҳолига барча қўлайликлар яратилган бўлсада, айрим қонунбузарлар давлат чегарасидан ноқонуний ўтмоқдалар, – дейди туман ИИБ ходими Жаҳонгир Хидиров. – Улар ўз ҳаётини хафсиз хатарга қўяётганини англашяпти. Чегарадан ноқонуний ўтганлар кўнглида, қалбида нима борлиги номаълум-ку! Эҳтимол, уларнинг орасида диний-экстремистик оқимларга мансуб шахслар бордир? Таъкидланган диний адабиётларни олиб ўттиришгадир? Контрабанда товарлари ёхуд гиёҳвандлик моддалари савдоси

халқ яқдил деган нақл бор. Шу боис ёшларимизнинг онгини захарлаётган ёт унсурларга қарши курашмоғимиз, уларни тўғри йўлга бошлашимиз, турли террористик ташкилотларга нисбатан нафрат ҳиссини ўйғотмоғимиз керак.

– Биз ҳар бир хонадон эгалари, уларда истиқомат қилаётган оила аъзоларини тез-тез бориб, йўқлаб тураимиз, – дейди "Тарнов" маҳалла раиси Абдузоҳир Раҳимов. – Тадбиркорларга бугунги кунда кенг йўл очилган. Лекин айрим фермерлар, узумчилик, боғдорчилик билан шуғулланувчилар мавсумий ишларга баъзан қўшимча куч ёллашадилар. Майли бунга қарши-лигимиз йўқ. Ҳаммаси қонуний бўлсин демокриман. Хўжхат масаласи бор, уларнинг соғлиғи жойидами? Фикри, гоёси соғми? У қандай мутахас-

сиз? Чегарада нима қилиб юрибди? Бундай саволларга чегараолди ҳудудларидаги маҳалла раисларида жавоб бўлиши керак. Халқимизда бир болага етти маҳалла бош деган гап бор. Маҳаллага кимлар келаяпти, уларнинг нияти холисми-

йўқми биз билмасак, ким билади? Бу борада биз ҳам жавобгарликни ҳис қиламиз. Ҳа, бундай шароитда ўта зийраклик зарур. Акс ҳолда, мўмай пул топши дардида қанча-қанча одамларни чегарадан ноқонуний ўтказиб юрганлар ҳолига тушиш ҳеч гап эмас. Бу ҳақда МХХ чегара қўшинлари масъул офицери Р. Шаймарданов шундай дейди:

– Юртимиздаги тинчлик, оқойишталик, фаровонлик ҳукм сураётганига қарамай, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини қўпол равишда бузишни касб қилиб, одамларни қонунга хилоф равишда ўтказиб юрган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Шундайлардан бири 32 ёшли Абдурахим Мирзаев. У "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонунни бузиб, бир гуруҳ шахслар

билан тил бириктириб, чегарадан ноқонуний кириш ва чиқиш ҳаракатларини содир этган. Бу жуда оғир жиноят ҳисобланади. Зеро, у ноқонуний ўтказиб ёки Ўзбекистонга киритаётган шахслар орасида турли оқимларга, террористик, экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолганлар йўқлигига ҳеч ким қўлат бера олмайд. Таъкидлаганимиздек, жиноятга жазо муқаррар. А. Мирзаевнинг жиноятлари қош этилиб, узил-кесил 6 йил муддатга озодликдан маҳрум бўлди.

Хуллас, халқимиз, юртимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар қаторида чегара ҳудудларида "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзюида ўтказилаётган суҳбатлар беҳиз эмас, шунингдек, бесамар ҳам кетмайдилар. Зеро, ҳозирги кунда дунёнинг турли бурчларида рўй бераётган хунрезликлар, отишмалар, тинч аҳоли бошига ёдириллаётган бало-офатлар ҳар биримизни огоҳликка чорлаши табиий. Халқимизнинг бебаҳо бойлиги – мустақиллик, ҳурлик, озодлик, тинчлик, оқо-йишталikka ҳеч ким даҳл қилишга ҳаққи йўқ. Бунинг учун учрашувда таъкидланганидек, огоҳлик, огоҳлик, яна бир бор огоҳлик зарур.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Энг улуг, энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шiori остида мусиқий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

МУСИҚА ИХЛОСМАНДЛАРИ УЧУН ТУҲФА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилган мусиқий кечада давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ихлосмандлари, ёшлар, ота-оналар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб voyага етказишни муҳим вазифаси сифатида мусиқа санъати раҳнамолигида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган санъат фестиваллари, концертлар, ижодий танловлар ёшларнинг бадиий дидини юксалтириш, уларни санъатнинг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш, истеъдодли йигит-қизлар сафини тобора кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда янги истиқболларни очмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва қатор ташкилотлар томонидан "Баҳор симфонияси", "Ёшлик баҳори", "Competizione dell'Opera" номи ижодий фестиваллар, халқаро кўрик-танловлар, концертлар мунтазам ўтказилаётгани мусиқа ихлосмандларининг миллий ва жаҳон мусиқа санъатига бўлган меҳрини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз истеъдодларга бой, дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдори, ёш шоира Дилбар Сиддиқова. Буларнинг барчаси юртимизда ёш авлод истиқболига қўрсатилаётган чексиз эътибор тўғрисида. Ушбу концерт дастури бадиий жамоалар, ёш хонандаларнинг ранг-баранг мусиқий чиқишларига бой бўлди. Бу каби тадбирлар халқимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши ҳамда истиқлол айёминини кўтаринки руҳда кутиб олиши учун кўмаклашди.

Кечада маданият ва дам олиш марказлари бадиий жамоалари, ёш хонандалар иштирокидаги мусиқий дастур намойиш этилди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Маҳалла ҳаёти

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Халқимизнинг ўзига хос анъана ва қадриятлари асрлар оша яшаб келаятган маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-миздаги ўрни ва таъсири бугунги кунда янада ортиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан маҳалла фаолиятининг ташки-

лий асосларини такомиллаштириш, вази-фалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳо-кимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро-яқин муносабатларини таъминлашга алоҳи-да эътибор қаратилаятгани юсак самара бермоқда.



Тошкент вилояти хо-кимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, Қонунчи-лик палатасидаги Ўзбекистон

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Маҳалла институ-тини янада такомиллашти-риш, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш,

каби ғоялар илгари сурилган "Виждон" видеофильми намо-йиши билан бошланган семи-нарни Ўзбекистон Республи-каси Қонунчилик палатаси ра-иси Акмал Саидов очиб бер-ди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кен-гашлари депутатлари, вилоят шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора раҳбарлари, ма-ҳаллалар раислари, ННТ вакил-лари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирда фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органларининг жамиятини ривожлантириш, ўта муҳим иж-тимоий-иқтисодий дастурлар-ни амалга оширишга қўшаёт-ган салмоқли ҳиссаси ҳисобга олинган ҳолда, улар фаолият-ининг қонуний асосларини яна-да такомиллаштириш, маҳалла вазибаларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкор-лигини таъминлаш, улар ўрта-

сида ижтимоий шериклик му-носабатларини ривожлантириш зарурлиги эътироф этилди.

Тадбирда сўз олганлар ЎзМТДПнинг сайловолди Плат-формасида белгиланган маҳал-ла тизимини янада такомил-лаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳ-камлаш, шунингдек, унинг ма-ҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда, мил-лий ва маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тик-лаш ва ривожлантиришда фу-қароларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган фуқаролик жамияти институти сифатида-ги фаолиятини кучайтириш каби вазибаларни амалга оши-ришда мазкур тадбирдаги мутахассислар ва эксперт-ларнинг тақлиф ва мулоҳаза-лари инобатга олиниб, тегиш-ли чора-тадбирлар кўрилиши таъкидланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари А. Қаршиев ишти-рок этди.

Тошкент вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Республика Вазирлар Маҳкамаси-нинг фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари фаолияти самара-дорлигини янада оширишга қара-тилган 1-сонли баённомаси билан

қабул қилинган махсус дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда "Энг намунали фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА МУНОСИБЛАР ҚАТНАШАДИ

Ангрен шаҳрида ҳам ушбу танлов намунали тарзда бўлиб ўтди. Унда "Тараққиёт" маҳалла фу-қаролар йигини Галии бўлиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳозиргача вилоятнинг барча шаҳар ва туманла-рида кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари бў-либ ўтди. Тадбир даво-мида жойларда хунар-мандлар тайёрлаган тур-ли сара маҳсулотлар

кўргазмалари ташкил этилди. Умуман, ушбу бос-қичларда 270 та фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари иштирок этди. Дастлабки уч ўрин-ни эгаллаган йигинлар "Маҳалла" фондининг ту-ман, шаҳар бўлинмалари ҳамда ҳамкор ташкилот-лар томонидан тақдир-ланди.

Кўрик-танловнинг ви-лоят босқичини 12 август кунин вилоят Маданият саройида ўтказиш режа-

лаштирилган. Фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вило-ят кенгашининг баёнига асосан танловни муваф-фақиятли ўтказиш мақса-дида вилоят ташкилий кўмитаси ва ҳакамлар хайиати ташкил этилиб, алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва у кўмига аъзоларига иж-росини таъминлаш учун етказилди.

Ўз мухбиримиз.

Партиялар ҳаёти

САҲНАДАГИ ИБРАТ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик пар-тияси Охангарон туман кенгаши ташаббуси билан 31-болалар мусиқа мактабида "Балли, бувижонлар!" кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда 50 ёшдан 70 ёшгача бўлган туман қиш-лоқларида яшовчи бувижон-лар бешта шарт бўйича ўзаро беллашишди.

– Кўрик-танловни ўтқа-зишдан асосий мақсадимиз бувижонларимизнинг оила-даги, фарзанд тарбиясида-ги ўрни, ҳар томонлама ёшларга намуна бўладиган

йўналишлари бўйича ўзла-рининг ҳаёт йўлларини саҳ-на кўринишлари орқали намоён этдилар.

Беллашувда энг юқори баҳоларни қўлга киритган "Янги ҳаёт" МФЙда яшовчи Каромат Айнақулова туман босқичи голиби бўлди.

Кўрик-танлов сўнггида ту-ман кенгаши томонидан иштирокчиларга партиянинг эсдалик совгалари ва фах-рий ёрлиқлари тақдим этил-ди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Олов – тилсиз ёв

ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Мустақилликнинг 24 йиллигига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Энг улуг, энг азиз байрамни жойлар-да юқори савияда, тан-танали ўтказиш ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият қўйилди.

Ютуқларга ютуқлар қўшилаётган, байрамлар байрамларга уланаётган фаровон ҳаётимизни асра-ш, уни янада гўзаллаш-тиришга ҳисса қўиш мақсадида Зангиота туман ИИБ ёнги хавфсизлиги бўлими Вазирлар Маҳ-камасининг "Ўзбекистон Республикасида Ёнги хавфсизлиги хизмати ти-зимини такомиллашти-риш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун ёнги хавфсизлиги бўлими, тарғибот-ташвиқот, таш-килий-таҳлилий ишларни амалга ошириш. Йилнинг 2-чорагида содир бўлган ёнги хавфсизлиги таҳ-лил қилиниб, келгусида уларни тақдорламаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқирилиб, ижроси назорат-га олинди.

Йил ойда туман ёнги хавфсизлиги хизмати хо-димлари 65 минг 843 та хондондан 57343 таси, 232 та кўп қаватли уйлар-дан 170 тасидида 5298 хо-надоннинг ёнги хавфсиз-



лиги ҳолати текширилиб, хонадон эгалари билан ёнги хавфсизлиги мав-зуда тушултириш ишла-ри олиб борилди.

Тумандаги 1818 та кор-хонадан 378 тасининг ёнги хавфсизлиги ҳолати тек-ширилиб, ёнги хавфсиз-лиги қондаларини қўпол равишда бузганларнинг ёнги фаолияти вақтинчалик тўхтатилиб, носо-з ва ёнги қиёш ҳолатида турган 1644 та электр ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди.

Ёнги хавфсизлиги қондаларини бузган 470 фуқаро ва раҳбар ҳамда ёнги хавфсизлигига ма-съул ходимларга нис-батан маъмурий баён-омалар тузилиб, қонун до-ирасида 39 млн. 547 минг 280 сўм жарима солинди.

Содир бўлаётган ён-гинларнинг 18 таси газ ас-бобларининг носолиги

ҳамда фуқароларнинг улар-дан фойдаланиш қоидала-рига риоя қилмаслиги, 56 таси электр ускуналарининг носолиги ҳамда улар-дан фойдаланиш қоидала-рининг бузилиши, 47 таси фуқароларнинг очик олов-дан эҳтиёсизлик билан фойдаланишлари, 4 таси болаларнинг шўнгили оқи-батиди ва биттаси қасддан ўт қўйиш оқибатида келиб чиққан.

Халқимизда ўт балоси-дан, сув балосидан асра-син, деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Чунки ёнги туфайли инсоннинг нафа-қат мол-мулки, балки са-ломатлигига ҳам зиён-заҳмат етди. Ҳушёр ва тартибли хонадонда, жа-моада ёнги хавфсизликка қўйиш зарур.

Жамшид ҲАКИМОВ,
Зангиота тумани ИИБ
давлат ёнги назорати
инспектори.

Сўраган эдингиз

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

– Бола voyага етгунига қадар унинг яшаш жойи қаер ҳисобланади?

Х. МАМАТОВА, Зангиота тумани.

– Бола voyага етгунига қадар қаерда ва ким билан яшаш мумкинли-ги Ўзбекистон Республи-касининг қатор қонунла-рида белгиланган бўлиб, Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро-лик кодексининг 21-мод-дасида бу ҳақда шундай дейилади: "Фуқаролар-нинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисоблана-ди. Ўн тўрт ёшга тулма-

ган voyага етмаганлар-нинг (кичик ёшдаги бо-лаларнинг) ёки васий-ликда бўлган фуқаро-ларнинг қонуний вакил-лари – ота-оналари, фарзандликка олувчи-лари ёки васийлари яшай-диган жой voyага етма-ганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисоблана-ди.

Сардор КАРИМОВ,
Зангиота туман
12-ДНН нотариуси.



Эълонлар

"КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошлангич баҳо-си босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Такрорий аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш босқирмаси томо-нидан; Жиноят ишлари бўйича Тошкент ша-ҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, 1) Бош-лангич нархи - 604 310 000 сўм бўлган, Тош-кент вилояти, Кибрай тумани, Тузель К.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжа-тида қўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилишлар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиш тугалланмаган устакхона, 2 та бостирмаси бўлиб ташланган "Автосарой" бино-иншоотлари; 2) Бошлангич нархи - 653 690 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бучмалла қишлоғи ҳуду-дидаги (собиқ Д. Турсиетов кўчаси)да жой-лашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бино-лари 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси яшаш ҳолатига келириб қайта таъмирлан-ган "дала ҳовли"; 3) Бошлангич нархи - 4 075 660 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли қўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган, ер участка-сининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м.ли 4 та бино ва 2 та ҳовузидан иборат "қойхона" (Сабо тўйхона-си) биноси; 4) Бошлангич нархи - 1 506 820 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уйда жой-лашган, бинонинг умумий майдон 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми бўлган "Маниш хизмат қўрсатиш" бино-ин-шоотлари; 5) Бошлангич нархи - 2 808 670 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мазуз кўчаси, 3-уйда жой-лашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2898,3 кв.м.дан иборат "Ишлаб қилиш ҳудуди" бино-иншо-

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва муво-фиқлаштириш Департаментини "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаоли-ятини лицензиялаш бўйича комиссияси"-нинг 2015 йил 31 июлдаги 34-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан:

1.1. "BO'KA YO'LOVCHI TRANS SERVIS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчи-ларни шаҳар атрофида автобу-с ва микроав-тобусларда ташиш" фаолиятини амалга оши-риш учун берилган "АТ" серияли, 000272 ва 000286-рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2015 йил 1 августдан қайта тиклан-ди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

2.1. "BUYUK TURON TRANS" МЧЖга "Тош-кент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000320 рақамли лицензия-сининг амал қилиш муддати 2015 йил 31 июлдан тугатилди.

Қадриятларимиз

МУМТОЗ НАВОЛАР, ХАЛҚЧИЛ САДОЛАР...

Янгийул шахрида ташкил этилган байрам-олди тадбирларидан бири, кўнгилли учрашув, дилтортар суҳбат ва концертда таниқли санъаткор ҳамда миллий маданият марказлари қатнашчилари иштирок этди.

"Мақом кечаси" деб номланган тадбирда хонандларнинг шу йўналишдаги хонилилари юракларни сел, қалбларни сарафроз этди. Халқимизнинг бетақдор, беқиёс санъати дурдонасидан бахраманд кўнгиллар губорлардан фориг бўлиб, истиқлол алёрлигига ҳамроҳанг,

жўровоз куй-қўшиқлар осмонларга бўйлади. Миллий маданият марказлари қошида ташкил этилган қўшиқ ва рақс дасталари ўз чиқишлари билан тадбирга ўзгача фойза, кўтаринкилик бахш этди.

Сайёра ИКРОМОВА.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



Мусобақа

Бекобод туманидаги Бекобод қишлоқ фуқаролар йиғинида Кексаларни эъозлаш йилига бағишланган қизиқарли шахмат мусобақаси

ўтказилди. Унда ҳудуддаги маҳаллаларда яшовчи 20 дан ортиқ нафақа ёшидаги отахонлар иштирок эттишди.

ОТАХОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Томошбинларга завқ-шавқ бахш этган беллашувда "Қўшамғали" маҳалласида яшовчи Абдуҳамид Хананов 1-ўринни

қўлга киритди. Ғолиб шахматчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари, айрим номинация эгалари эсдалик совғалари

билан тақдирландилар. – Шахмат ақл-идрок ўйинидир, – дейди "Энг ёши улуг шахматчи" номинацияси соҳиб, 80 ёшли Қўшамғали ота Эргашев. – У чуқур мушоҳада юритишга, камтарликка, тўғри йўл ташлашга ўргатади. Шу билан бирга ақлни чарқлаб, ҳаракатларни тоблаб, иродани мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, шахмат ўйини катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Каримкул БОБОКУЛ ўғли.



Китоб жавонингизга

«СОҚОВ ХОТИН»НИНГ
КАРОМАТИ

Ҳаётимиз мазмуни, умримиз баҳоси – оила аталмиш муқаддас кўрган унда ўсиб-ўлғайган инсофуду диёнати, ҳар томонлама етук, баркамол фарзандлар билан мукамаллик касб этади. Бу неъматга муассар бўлмоқ эса осон эмас. Ўз оиласига садоқатли бўлиш, айниқса аёл кишининг зиммасидаги улкан масъулиятни адо этиш учун сабр-қаноат, яъни момоларимиз айтганларидек, сув келса симириб, тош келса кемирадиган, зарур бўлганда "соқов" бўла оладиган темир ирода керак аёлга...

мавзу асосий ўрин тутди. Асардаги Рўқия мома, Робия она, Роҳат келин, Гулсанам, Султонбой, Давронбой, шунингдек, ёш авлод вакиллари Наргиза, Маржонанинг ўзига хос феъл-атвори, қиёфалар тасвири, ҳаётини воқеалар тафсилоти ўқувчи зериктирмайди, аксинча, улар тақдирига қизиқиш уни қўлдан қўймай ўқишга қўрқайди. Қўни кўрган, доно Рўқия мома, меҳр-оқибатли келин, ғамхўр она Робия, Роҳат ва айниқса "Соқов хотин" бўлиб, Мавлондек кўрс, баджаҳл, аммо меҳнатсевар, содда, тўпори йигит билан 16 йил тирноққа зор яшасам, мамлакатларга дош берган темир иродали, вафодор аёл тимсоли китобхонда ажабтовур ҳис-туйғулар уйғотиши, сабр-қаноатга ундаши, ўргатиши табиий. Эеро, сабр тағидаги олтинлар – пахлавондек икки ўғлининг онаси бўлиш бахти Гулсанамни эл-юрт олдида қаддини тик, юзини ёруғ қилди.

Асардаги саксонни қоралаб қолган Қадим чол, Мутал (хожи, Коски), Тошмат таранг, Темир пиён, Эрмат мағзава каби уззу кун чойхонадан бери келмайдиган, ичкилик, ғийбат, игво, фисқу фужурни касб қилган орсиэ кимсалар ҳам йўқ эмас орамизда. Аммо китобда бу таърифлар кирагидан ортиқ бўрттириб, қуюқ бўқларда берилгани, уларга нисбатан ҳурматнинг юзи хиралашиб қолмасикан, деган истихолога ҳам боради киши.

"Номи чойхона бўлга-

ни билан фисқу фасод уя қурган, бориб турган ғийбат ўчоғи"га билиб-билмай кириб қолган Давронбой она замин бағрида киши билмас ҳали қанча қора доғлар борлигига имон келтирди...

Давронбой Рўқия момонинг кичик ўғли, мактаб ўқитувчиси. Ақаси Султонбой мактаб директори. Ориятли, инсофли, оилапарвар одамлар. Ака-ука ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари хотинлари, фарзандларига ҳам ўтиб, қишлоқда, маҳаллада энг обрўли хонадон соҳиблари дея тилга олинишда кекса онахон Рўқия момонинг оналик, аёллик хизмати, марҳум эри Маҳкам чолга бўлган садоқати, ибрати сабаб бўлгани ўқувчида улуг инсоний фазилатларни шакллантириши табиий.

Хуллас, вилотиимизнинг Пискент, Окўрғон, Оҳангарон туманлари, Тошкент шаҳрининг фидойи, миришкор, содда одамлари ҳаёти, яхшилик, ғамхўрликнинг ораси бир қадам экани, инсон фақат эзу фазилатлари билан инсонлиги, бориға шуқуру, йўғига сабр қилишнинг хосияти мўл эканига киши бир бор ишонч ҳосил қиладиган "Соқов хотин" романи ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Қисқаси, муаллифнинг 40 йилдан зиёд вақт давомида ижод билан машғуллиги, ҳамиша эл-юрт билан ҳамнафас ҳаёт кечираётгани халқчил, ҳаёт ҳақиқатларига бой асар яратишига сабаб бўлгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Саида РАҲМОН қизи.

БЕКОБОДЛИКЛАР ШОҲСУПАДА

Бекобод шаҳридаги "Ёшлик" спорт-соғломлаштириш мажмуаси вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўлаб спорт мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.

Яқинда бу ерда ўсмир қизлар ўртасида спортнинг бадий гимнастика тури бўйича "Қувноқ қарвон" деб номланган мусобақалар бўлиб ўтди. Унда республика миқёсининг барча вилоятларидан 400 дан ортиқ ёш қизлар ғолиблик учун кураш

олиб борди. Мусобақаларда вилоятимиз шарафини "Ўзбекистон металлургия комбинати" қошида ташкил этилган гимнастика тўғрагининг 45 нафар ёш вакиллари муносиб ҳимоя қилишди. Ҳурухлар иштирокида ташкил этилган кўрғазмали

чиқишларда комбинатнинг 2005-2006 ҳамда 2008-2009 йилларда тузилган гимнастика қизлари жамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда эса вакиллариимиздан Дилобар Зокирбоева ва Яна Мирзоева кумуш, Милана Чернешева эса бронза медаллар соҳиб бўлишди.

Юлдаҳон МУХИДДИНОВА.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЭКОЛОГИК АКЦИЯЛАР

Вилотиимизнинг Бўстонлик ва Бўқа туманларидаги бир қатор оромгоҳларда "Юртимни обод этаман" экологик акцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий бўлимлари, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент Давлат техника университети бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг ёзи таътил мавсумини мароқли ва мазмунли ташкил этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётган. Хусусан, табиатнинг сўлим гўшаларида жойлашган болалар соғломлаштириш масканларига жалб этилган ўқувчилар мириқиб ором олиш баробарида улар иштирокида турли маънавий-маърифий, спорт тадбирлари, экологик акциялар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий бўлимлари давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагида амалга оширилаётган "Юртимни обод этаман" акцияси ана шундай ўзига хос лойиҳалардан биридир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 6



февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" - ги Қарорида белгиланган ус-тувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида уюштирилаётган ушбу лойиҳа ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, экологик дунёқарабини бойитиш, табиат муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилаётган.

Экологик тадбирлар жараёнида оромгоҳлар ҳудудига тозалаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Боғ ва кўкаламзор ҳудудлар, сув йўллари тозаланиб, чиқиндилар белгиланган жойга ташиб кетилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог мутахассислар иштирокида ташкил этилган давра суҳбатларида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича миллий

қонунчилик, соҳадаги янгиликлар ҳусусида фикрлашилди. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси мавзусида ўтган викторина ўйинлари ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этган ёшлар рағбатлантирилди.

Оромгоҳимизда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидан келган ўқувчилар дам олмақда, – дейди Бўстонлик туманидаги "Кимёгар" болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Ойиса Миралимова. – Муассасамизда ёшлар дам олиш кўнарамини мазмунли ўтказиши учун барча шароит мавжуд. Ўқувчилар иштирокида турли тадбирлар, жумладан, экологик лойиҳалар мунтазам ташкил этилаётган. Бундай тадбирлар ўғил-қизларда экологик маданиятини ошириш баробарида, жамиятдаги ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатади.

Б. ХИДИРОВА,
Ў.А. МУХИРИ.

Ҳар ким экканини ўради

ЮЗНИ ШУВУТ ҚИЛГАН ФАРЗАНД

Муҳаммад бобо бугун ҳам барвақт туриб, ҳовлига чиқди. Тонг эндигина бўзараяпти. Шу пайт Ойшакаш момо ҳам кўринди.

– Ассалому алайкум, дадаси. Нечук ҳаёл суриб турибсиз? Тинчликми иш-қилиб?

– Тинчлик онаси, тинчлик, – бобонинг томоғига алланарса тиқилгандек бўлди. Синиққина кўлимсиради.

Ойшакаш момо баланд бўйли, қошлари қалин чилининг кўзларига қандайдир мунг борлигини фаҳмлади, уни бундай маҳзун қайфиятда ҳеч кўрмаганди.

– Дадаси, дардингизни менга айтмасангиз, кимга айтасиз?

Муҳаммад бобо оғиргина хўрсиниб гап бошлади:

– Э, онаси, одамнинг олеси ичида бўлади, деганлари рост экан. Кеча гузарга чиққандим. Ғала-тап гап эшитиб, ёқа ушладим. Абдулла муаллимни яхши танилсан. Бечора бир умр мактабда болаларга тарихдан сабоқ берди, ҳалол ишлади. Мисқолаб обрў йигди. Аммо биргина ноқобил ўғил ҳаммасини чилпарчин қилибди. Эсиз, Абдулла муаллим шайнмига яхши иш бўлмабди.

– Ўша сиз билан бир мактабда ишлаган Абдулла муаллимда. Адамшасам, яқинда кампири қазо қилгани.

– Ўлма онаси, ўлма. Биласан, улар салкам йигирма йил тирноққа зор яшашди. Ниҳоят, тақдирга тан бериб, болалар уйдан бола асраб олишди. Унга яхши ният билан Умиджон деб исм қўйишди. Ўша асранди ўғил Абдулла муаллимнинг умидларини пучга чиқарибди. Оқ ювиб, оқ тараган ота-онаси юзини шувут қилибди. Ичкилик, гиёҳ-вандалликка ружу қўйгани етмагандек, саёқ юрган

бир аёлни уйига бошлаб келибди. Пул топиш баҳонасида бир муддат хорижда яшаб, тубанлик ботқоғига обдон ботиб қайтган экан у аёл. У ёқларда ўзига ўхшаган уч-тўртта таниш ҳам ортирибди. Ўшалар билан тил бириктириб, содағина қизларни тузоғига илтириб, хорижга юборишар экан.

Кеча эр-хотин навбатдаги савдоларини пиштаётганларида кўлга тушибди. Энди Абдулла муаллим ёлғизлашиб қолибди. Шу бугундан қолдирмай, ундан кўнгил сўраб келаман...

– Муҳаммад бобо, ҳой Муҳаммад бобо, уйда-ми-сиз?

– Мен ҳозир, – дея Муҳаммад бобо овоз берди. – Ассалому алайкум, бобо.

– Ия-ия, Нозимжонми-сан? Ваалайкум ассалом. Тинчликми, болан? Сахармардондан йўқлаб қолиб-сан?

– Тинчлик эмасда, бобо: тонгга яқин Абдулла муаллим қазо қилибди. Пешинга чиқаришар экан. Хабар бергани келгандим. Муҳаммад бобо бу нохуш хабардан ҳайкалдек қотиб қолди.

Латифжон МАНСУРОВ.

КАЛИФОРНИЯДАГИ ЁНГИН ОРЕГОНГА ЕТДИ
Reuters агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Американинг Калифорния штатидаги учта округнинг 12 минг аҳолиси ўрмонда давом этаётган кучли ёнғин сабабли хавфсиз жойга кўчирилган.

Сан-Францисконинг Лейк округида бошланган ёнғин бир кеча-кундузда қарийб икки баравар кенгайиб, 18,6 минг гектар майдонни эгаллади ҳамда Орегон штати чегарасига етиб келди. Дахшатли олов 24 та уй ва 26 та турли биноларни хароб қилди. Шунингдек, 6 мингдан зиёд бино хавф остида эканлигини маълум қилди Калифорниянинг ёнғин департаменти.

Кучли ёнғин сабабли иккита магистрал йўл беркилиб қолди. Ёнғинни ўчиришда қарийб 2 минг киши иштирок этмоқда. Қутқарувчиларнинг гапига қараганда, ёнғинни 12 августга қадар тўла ўчиришининг иложи йўқ.

"ФУКУСИМА – 1" 2040 ЙИЛДА
ДЕМОНТАЖ ҚИЛИНАДИ

Япониянинг ТЕРСОЖ компания-оператори мутахассислари авария ҳолатидаги "Фукусима-1" станцияси учинчи блокни ишлатиб бўлинган ядро ёнилғисини олиб ташлашга ҳалақат бераётган йирик бўлаклардан тозалашга муваффақ бўлдилар.

Авария натижасида ҳосил бўлган қолдиқлар олиб ташланганидан сўнг учинчи реактордаги ёнилғи стер-жилларини тортиб олиш жараёни учун қулай йўл очилди. "Фукусима – 1" даги бундай ишларнинг давоми станциянинг қолган учта реактордаги фойдаланиб бўлинган ядро ёнилғисини чиқариб ташлашдан иборат бўлади. Шундан сўнг ушбу жараёнинг энг хавфли қисми, яъни реакторнинг ички қисмида эриб қотган ёнилғини олиб ташлашга киришилади. Умуман, "Фукусима – 1" АЭСни фақат 2040 йилга бориб, тўла демонтаж қилиш мумкин бўлади.

2011 йил 11 мартда "Фукусима – 1" да юз берган авария оқибатида Япониянинг анчагина кенг майдони радиоактив моддалар билан заҳарланган эди. Станция жойлашган ердан 80 мингдан зиёд кишини эвакуация қилишга тўғри келганди.

ОЛТИ КИШИ ДҮЛ ҚҮРБОНИ БҮЛДИ

Хитойнинг шимолидаги мухтор Ички Мўғулистон туманида йирик дүл ёғиши оқибатида камиди 6 киши ҳалок бўлгани, яна 43 киши жабр кўргани ҳақида хабар тарқатди China News нашри.

Маҳаллий ҳокимият табиий офат юз берган ҳудуддан қарийб 200 кишини кўчиришга мажбур бўлди. Дүл 8 минг гектардан зиёд қишлоқ ҳўжалик экинларига зарар етказди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, табиий офат келтирган иқтисодий зарар қарийб 10 миллион доллар миқдорида ҳисобланмоқда.

Айни пайтда дүл ёққан ҳудудларда қутқарувчилар қизгин иш олиб бориб, жараланган аҳолига керакли ердан кўрсатмоқда.

ЖАЗИРАМАГА БАРДОШ БЕРОЛМАДИЛАР
Июль ойида Бельгияда юз берган жазирама ис-сияска асосан кексалардан иборат 400 киши дош беролмай, ҳаётдан кўз юмди.

Жамоатчиликнинг саломатлиги илмий тадқиқот инсти-тутининг ахборотида қараганда, 30 июндан 5 июлгача бўлган муддатда кучли жазирама ҳамда ҳавода озон моддаси ортиқча тўпланиши оқибатида ўлим даражаси 26 фоиз кўпайган. Бироқ, экспертларнинг бу маъруза-лари ҳукмат аъзоларига ёқмади. Соғликни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазири Максим Превос: "Ўлим кўпай-ганлигининг сабаби ҳали аниқ белгилангани йўқ", деди.

Ушбу институтнинг маълумотларига кўра, кўшни Франция ва Нидерландия мамлакатларида ҳам жазира-ма туфайли ўлим кўпайгани қайд этилган эди. Франци-янинг соғлиқни сақлаш вазири Марисол Турен илгари хабар қилганидек, бу йил ёзда ўртача статистик маъ-лумотга қараганда, 700 та ўлим ҳолати қайд этилди. Францияда бундай аномал жазирама 2006 йилда қайд этилган эди.

50 ДАН ЗИЁД АСИР ОЗОД ЭТИЛДИ

Перудани "Ёруғ йўл" ташкилотиди асирликда сақ-ланаётган гаровдаги фуқароларнинг 50 нафардан кўпроғи озод қилингани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.

Терроризмга қарши кураш департаменти раҳбари генерал Хосе Базэлнинг сўзларига қараганда, ташкилот гаровга олган фуқароларнинг кўпчилиги 20 йил илгари ўғирлаб кетилганди. Айни вақтда "Ёруғ йўл" ташкилоти 1980 йилдан буюн мамлакат ҳукуматида қарши парти-занлик уруши олиб бормоқда. Ушбу ташкилот Перуда террорчилик ташкилоти деб ном олган. АҚШ, Канада ва Европа Иттифоқи ҳам бу ташкилотга шундай мақом берган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОХИДОВ

Манъилими:

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).233-38-23, 233-48-08.
233-56-03, 233-65-59.
233-54-10.Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатта олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Нозима АРСЛОНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ